БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 18 (11.464). | 22 январь, жума, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Кўп босқичли кучли совет баллистик ракетасининг муваффақиятли учирилганлиги совет фанининг космос фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлидан янада олға боришини таъминлайди.

ЯНА БИР РАКЕТА УЧИРИЛДИ

ТАСС ахбороти

Совет Иттифоқида Ернинг оғир йўлдошларини учириш ва Қуёш системасидаги планеталарга космик учишларни амалга ошириш учун янада кучлироқ кўп босқичли баллистик ракеталарни яратиш ишлари олиб борилаётганлиги бундан илгари хабар қилинган эди.

Шу йил 20 январь кечқурун ана шундай ракета учирилди.

Бу ракетанинг сўнггидан олдинги босқичи сўнгги босқичнинг макети билан бирга мўлжалланган траектория бўйича аниқ ҳаракат қилиб, соатига 26 минг километрдан ортиқ тезлик билан учиб, 20 январда Москва вақти билан соат 20 дан 5 минут ўтганда Тинч океаннинг акваториясида белгиланган районга етди. Бу район учирилган нуқтадан Ер сатҳи бўйича 12,5 минг километр узоқда жойлашган.

Ракетанинг сўнггидан олдинги босқичи ўз ишини бажариб, 80—90 километр баландликда атмосферанинг зич қатламларига кириб, шундан кейинги ҳаракати вақтида парчаланиб ва қисман куйиб кетди.

Ракетанинг атмосферанинг зич қатламлари орқали ўтиш учун мослаштирилган сўнгги босқичи макети мўлжалланган тушиш нуқтаси яқинида сув сатҳига етиб борди.

Совет флотининг ракета тушиши кутилган районда турган махсус кемалари учиш траекториясининг пастлашиб борган қисмида қимматли телеметрик ўлчовларни ўтказдилар.

Ракета сўнгги босқичининг макети учиш вақтида атмосферада кўриниб турди ва кемаларда ўрнатилган радиолокацион, оптик ва акустик станциялар унинг сувга тушишини қайд қилди.

Ўтказилган ўлчов маълумотларига кўра, ракетанинг тушиш нуқтаси мўлжалланган нуқтадан икки километрдан камроқ четга чиққанлиги аниқланди, бу эса ракетанинг бошқарув системаси ғоят аниқ бўлганлигини тасдиқлади.

Ракета аниқ белгиланган вақтда учирилди. Бутун ракетанинг учиши ва унинг ҳамма босқичларининг ҳаракати белгиланган программага мувофиқ равишда ўтди.

Ракетада ўрнатилган ўлчов системалари ва воситалари бутун учиш трассасида зарур маълумотларнинг ер ўстидаги ва кораблларидаги станцияларга берилиб туришини таъминлади.

Ракетанинг учиши давомида баъзи илмий приборларнинг иши ҳам текширилди ва зарур ўлчовлар ўтказилди.

Экспериментал маълумотларни янада тўплаш мақсадида кўп босқичли кучли баллистик ракеталарни синаш давом эттирилади. Ракеталар шу йил 8 январдаги ТАСС ахборотида эълон қилинган зона доирасига тушади.

Кўп босқичли кучли совет баллистик ракетасининг муваффақиятли учирилганлиги совет фанининг космос фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш йўлидан янада олға боришини таъминлайди.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРАМИЗ!

Қорақалпоғистон АССР колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари ҳамда барча ходимларининг СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Биз КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, ўз имконият ва резервларимизни ҳисоблаб чиқиб, илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қайтадан кўриб чиқдик ва пахта, гўшт, сут ва тухум етиштириш юзасидан етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага 1961 йилда, пилла, сабзавот ва картошка етиштириш юзасидан 1960 йилда ва жун етиштириш юзасидан 1963 йилда эришишга аҳд қилдик.

Биз етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йилда гўшт етиштиришни хўжаликнинг барча категориялари бўйича 20,4 минг тоннагача (тирик вазнда), шу жумладан колхоз ва совхозларда 18,4 минг тоннагача етказиб, давлатга 16 минг тонна ёки 1965 йилда кўзда тутилганига нисбатан 3 минг тонна кўп гўшт сотиш ва бу билан гўшт сотиш бўйича икки йил планини бажариб, колхоз ва совхозларнинг гўшт сотишдаги салмогини 89 процентга етказиш мажбуриятини оламиз.

Ҳамма колхоз ва совхозларда чорва молларни бўрдоқига боқишни ташкил қилиб, кўп миқдорда арзон мол ва қўй гўшти олиш учун яйловлардан яхшироқ фойдаланамиз. Йирик паррандачилик фермалари ташкил қилиб, уларда кўплаб ўрдак ва товуқ жўжаларини ўстирамиз.

Хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича сут етиштиришни 68,7 минг тоннага, шу жумладан колхоз ва совхозларда 40 минг тоннагача етказамиз. Давлатга 32 минг тонна ёки 1965 йил учун белгиланган пландагига нисбатан 11 минг тонна кўп сут сотамиз ва сут сотиш бўйича икки йил планини бажарамиз. Колхоз ва совхозларда сигирларнинг сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Қорамоллар сонини 17,6 процент, шу жумладан сигирлар сонини 60 процент, қўйлар сонини 12 процент ва паррандалар сонини икки баравар кўпайтирамиз.

1960 йилда 9.850 центнер жун ва 65.860 дона қоракўл териси етиштиришни таъминлаймиз. Қоракўл қўйларини ҳамда гўшт ва жун қўйчилигини бутун чоралар билан ривожлантирамиз. Тухум етиштиришни 4,4 миллион донагача етказиб, 1959 йилда етиштирилганига нисбатан уч баравар кўп тухум оламиз, пилла етиштиришни 610 тоннагача етказиб, 1959 йилда етиштирилганига нисбатан 120 тонна кўп пилла оламиз. Сабзавот етиштиришни 19,5 минг тоннага етказиб, илгари қабул қилинган мажбуриятлардагига нисбатан 6,5 минг тонна кўп сабзавот етиштирамиз, шунингдек картошка етиштиришни 13,8 минг тоннага, полиз экинларини 23 минг тоннага етказиб, давлатга ана шу маҳсулотларни сотиш планларини муддатидан илгари бажарамиз.

Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун республикамизнинг колхоз ва совхозлари ем-хашак экинлари ва аввало маккажўхори ва оқжўхори етиштириладиган экин майдонларини бундан буён ҳам кенгайтириб борадилар. Шу йилнинг ўзидаёқ 20 минг гектар ерга маккажўхори ва оқжўхори экиб, ҳар гектар ердан камида 500 центнердан кўкпоя ва думбуллигида сўта йиғиб оламиз. 1960 йилда асосан маккажўхори ва оқжўхори пояси ва сўтасидан 500 минг тонна ёки ҳар бир сигир учун 15 тоннадан силос бостирамиз. Бу миқдор ўтган йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпдир.

Қорақалпоғистон пахтакорлари ўз резервлари ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1960 йилдаёқ мамлакатга 250 минг тонна ёки 1959 йилда сотилганига нисбатан 30 минг тонна кўп пахта етиштириш мажбуриятини оладилар.

Қишлоқ хўжалик кадрларини танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишини янада яхшилаш, техникани тараққий эттиришни ва деҳқончилик маданиятини оширишни таъминлаш гўшт, сут, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришнинг ҳал қилувчи шарти бўлади. Биз фермаларни коммунист ва комсомоллар ҳисобидан энг яхши кадрлар билан таъминлаб, фермаларга комсомол ва ёшлардан камида 5 минг кишини ишга юборамиз.

Биз қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни жорий қилиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг прогрессив усулларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун бундан буён ҳам қатъий кураш олиб борамиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини анчагина камайтиришни таъминлайди.

Биз жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, орденли республика номини маҳкам сақлаб, олинган мажбуриятларни шараф билан бажарамиз ва мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат олижаноб ишга бутун кучимизни, бутун ғайратимизни бағишлаймиз.

Бу мажбуриятлар Қорақалпоғистон АССР колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг республика кенгашида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Тошкент области колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари ҳамда барча ходимларининг СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съездининг ва 1958 йилги декабрь Пленумининг қарорларини бажара бориб, 1959 йилда чорва моллар сонини кўпайтириш, гўшт, сут, жун ва тухум харид қилиш давлат планларини муддатидан илгари бажариш йўлида баъзи ишларни қилдилар.

Илғор хўжаликлар гўшт ва сут етиштиришда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхоз яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига 137 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут етиштирди. 4-«Вревский» наслчилик совхози ҳар 100 гектарга 1700 центнердан сут етиштирди. Калинин районидаги Карл Маркс колхозининг сут соғувчиси ўзига биркитиб қўйилган 14 бош сигирнинг ҳар қайсисидан 5500 килограмм сут соғиб олган Бўринисо Исоқова, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида ўзига биркитиб қўйилган 12 бош сигирнинг ҳар қайсисидан 5050 килограмм сут соғиб олган Квон Роза ва бошқалар социалистик мусобақада ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан илҳомланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бундан илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятларини қайтадан қараб чиқдилар ҳамда гўшт, сут, жун ва тухум етиштириш юзасидан етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга қарор қилдилар.

Биз 1960 йилда гўшт етиштиришни 1959 йилдагига нисбатан 2 баравар кўпайтиришга (сўйилган ҳолда) ва давлатга 30 минг тонна миқдорида ёки икки йиллик планга тенг келадиган миқдорда гўшт сотишга ваъда берамиз. Гулистон, Сирдарё, Калинин ва Бўстонлиқ районларининг колхоз ва совхозлари давлатга икки йиллик пландан кўпроқ миқдорда гўшт сотишга қарор қилдилар.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз бу йил давлатга 300 тонна гўшт сотишга ёки 3 йиллик планни бажаришга қарор қилди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг чўчқабоқари Николай Ким 1960 йилда 1.000 бош чўчқани бўрдоқига боқиш ҳамда давлатга 850 центнер ёки 1959 йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўпроқ чўчқа гўшти сотиш мажбуриятини олди. Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг чўпони Аширмат Эштоев 1960 йилда совлиқларнинг қўзилашини кўпайтиришга ва икки қўзилатишда ҳар 100 бош совлиқдан 260 қўзи олишга ваъда берди.

Давлатга гўшт сотиш юзасидан икки йиллик планнинг бажарилишини таъминлаш учун биз чорва молларни қўлда ва яйловда боқиб семиртириш кенг кўламларда ташкил этишни мўлжаллаймиз. 1960 йилда 34,2 минг бош йирик қорамол, 137 минг бош чўчқа, 134,1 минг бош қўй ва эчки, 945 минг бош парранда боқувга қўйилади. Чўчқачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга катта эътибор берамиз.

Биз 1960 йилда давлатга 50 минг тонна миқдорида ёки планда белгиланганидан 10 минг тонна кўпроқ сут сотиш мажбуриятини оламиз. 1960 йилда ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган сут миқдорини умуман область бўйича 1880 килограммга етказамиз ёки 1959 йилдагига нисбатан 180 килограмм кўпайтирамиз. Областнинг колхоз ва совхозлари гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш билан бирга 1960 йилда ўтган йилдагига нисбатан қорамол сонини 11 процент, шу жумладан сигирларни 40 процент, чўчқаларни 14 процент, қўй ва эчкиларни 5 процент ва паррандаларни 64 процент кўпайтирадилар.

Бу юксак мажбуриятларни бажармоқ учун мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш, маккажўхори экин майдонларини кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш талаб қилинади.

Биз 1960 йилда 550 минг тонна миқдорида ёки 1959 йилдагидан 100 минг тонна кўпроқ, яъни ҳар бир бош сигирга ўрта ҳисобда 12 тоннадан силос бостиришга қарор қилдик. Маккажўхори кўк поясининг ўртача ҳосилини гектарига 500 центнергача етказишни мўлжаллаймиз.

Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, план бўйича 1965 йил учун белгиланган чорвачилик бинолари қурилишини ҳамма колхозларда 1963 йилда битказишга қарор қилдик, бунинг учун колхозларнинг бўлинмас фондларидан 350 миллион сўм маблағ сарфланади.

Биз КПСС Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб ваъда берамизки, Тошкент области меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажарадилар ва мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлидаги умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар.

Мажбуриятлар Тошкент области колхозчиларининг, совхоз ва РТС ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари ҳамда барча ходимларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилинган ва қабул этилган.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1959 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йил Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети июнь (1959 йил) Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлиги ғоят юксалган вазиятда ўтди. Бу эса, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантиришни, халқимиз турмушининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини оширишни таъминлади.

I
САНОАТ

Халқ хўжалик планида 1959 йилда саноат маҳсулотини 7,7 процент ўстириш, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини («А» группаси) ишлаб чиқаришни 8,1 процент ва истеъмол буюмлари («Б» группаси) ишлаб чиқаришни 6,6 процент ўстириш кўзда тутилган эди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1958 йилдагига нисбатан 11 процентдан зиёдроқ кўпайди, шу жумладан, «А» группасида, дастлабки маълумотларга қараганда 12 процент, «Б» группасида 10,3 процент кўпайди.

Йиллик пландан ошиқча равишда қарийб 50 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти чиқарилди.

Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришда ўтган йил эришилган суръатлар етти йиллик планда кўзда тутилган ўртача йиллик суръатлардан анча ошиқ бўлди.

Барча иттифоқчи республикалар ва барча халқ хўжалиги кенгашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш йиллик планини ошириб бажардилар.

Айрим иттифоқчи республикаларда ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва саноат ялпи маҳсулотининг ўсиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	Йиллик планнинг 1959 йилда бажарилиш проценти	1959 йилнинг 1958 йилга нисбатан проценти
РСФСР	104	111
Украина ССР	103	111
Белоруссия ССР	105	112
Ўзбекистон ССР	104	109
Қозоғистон ССР	105	113
Грузия ССР	103	109
Озарбайжон ССР	102	106
Литва ССР	106	113
Молдавия ССР	103	110
Латвия ССР	106	111
Қирғизистон ССР	105	110
Тожикистон ССР	104	111
Арманистон ССР	105	112
Туркманистон ССР	101	105
Эстония ССР	105	112

Давлат саноатининг айрим тармоқларида ялпи маҳсулотнинг ўсиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1959 йилнинг 1958 йилга нисбатан проценти
Қора ва рангли металлургия	109
Ёқилғи ва энергетика саноати	109
Машинасозлик ва металл ишлаш саноати	115
Кимё ва резина саноати	110
Бинокорлик материаллари саноати	122
Ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноати	109
Енгил саноат ҳамда маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш	109
Озиқ-овқат саноати	111

Қора ва рангли металлургия ҳамда уларнинг хомашё базаси янада ривожланишда давом қилди. **Чўян, пўлат, прокат ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Рангли металлургия саноати ходимлари планни муддатидан олдин бажардилар ҳамда мис, алюминий, қўрғошин, рух, қалайи, никель, кобальт, молибден маҳсулоти ва рангли металларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар.**

Ёқилғининг энг тежамли турлари бўлган нефть ва газ ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш тўғрисида партия XXI съезди томонидан қўйилган вазифани бажариш ўтган йилда давом эттирилди, нефть ва газ ишлаб чиқариш бурноғи йилдагига нисбатан анча кўпайди. **Нефть чиқариш ва бир қанча нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани муддатидан олдин бажарилди.**

Кимё саноати корхоналарининг ходимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети май (1958 йил) Пленумининг кимё саноатини ривожлантиришни ва айниқса синтетик материаллар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришдилар. **Синтетик смолаларни ва пластмассаларни ҳамда уларнинг кўпгина муҳим турларини, сунъий ва синтетик толаларни ишлаб чиқариш плани умуман ошириб бажарилди.** Синтетик смолалар ва пластмассалар ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан 13 процент кўпайди, шу жумладан, фанер ва мебель ишлаб чиқаришда ишлатиладиган карбамид смолалари ишлаб чиқариш 40 процент, кабель саноати учун ва кенг истеъмол моллари ишлаш учун керакли полихлорвинил смоласи ва сополимерлар ишлаб чиқариш 24 процент кўпайди. Ювиш воситалари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган мойли синтетик кислоталар ишлаб чиқариш 57 процент, синтетик этил спирти ишлаб чиқариш 36 процент кўпайди. Табиий газдан синтетик аммиакни кенг миқёсда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, овқатга ишлатилмайдиган хомашёдан синтетик каучук ва спирт ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди.

Минерал ўғитлар, каустик сода, автомобиль покришкалари ишлаб чиқариш йиллик плани ҳам муддатидан олдин бажарилди ва ўтган йилдагига нисбатан кўпайтирилди.

Оғир саноат маҳсулотининг бошқа кўпгина жуда муҳим турларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди, шу жумладан, кўмир, сланец, темир руда, марганец руда қазиб чиқариш, электр қуввати, пўлат қувурлар, буғ ва гидравлик турбиналар, қуввати 100 киловаттгача бўлган электродвигателлар, металл қирқиш станоклари, темирчилик-пресслаш машиналари, магистраль тепловозлар, троллейбуслар, енгил автомобиллар, шарик ва ролик подшипниклари, ўзиюрар дон комбайнлари, трактор косилкалари, дон тозалаш машиналари, экскаваторлар, қоғоз картон йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, томга ёпадиган юмшоқ материаллар, дераза ойнаси ишлаб чиқариш, шунингдек қурилишбоп ёғочни ташиб олиш йиллик планлари ошириб бажарилди.

Халқ истеъмол қиладиган молларнинг кўпчилиги бўйича 1959 йилги ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Ип газлама, жун газлама, зиғирпоя толасидан тўқилган газлама, пайпоқлар, ички ва устки трикотаж, пойафзал, соат, телевизорлар, тикув машиналари, мотоцикл ва мотороллерлар, пианино ва рояллар, мебель, гўшт, колбасалар, мол ёғи, сут маҳсулотлари, шакар, консерва, узум виноси, шампань виноси, чой, совун, папирос ва бошқа халқ истеъмоли моллари йиллик пландан ошиқ ишлаб чиқарилди.

Саноат маҳсулотининг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани тўла ва ошириб бажарилгани ҳолда, газ турбиналари, турбиналар учун генераторлар, қуввати 100 киловаттдан ошиқ электродвигателлар, металлургия ускуналари, нефть аппаратлари, кимё ускуналари, магистраль электровозлар, пассажирлар ташийдиган магистраль вагонлар ишлаб чиқариш, газ чиқариш, деворбоп йирик бетон ва силикат блоклар ва говакли бетон блоклар, стандарт уйлар ҳамда стандарт ва типовой уйлар учун керакли деталларнинг комплектлари, радиоприёмниклар, рўзғор холодильниклари, кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан кўпайган бўлса ҳам, лекин маҳсулотнинг шу турлари бўйича ишлаб чиқариш йиллик плани бирмунча кам бажарилди.

Саноат маҳсулоти асосий турларининг 1959 йилда қанча ишлаб чиқарилганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1959 йилда ишлаб чиқарилди	1958 йилга нисбатан 1959 йилнинг проценти
Чўян	43 миллион тонна	109
Пўлат	59,9 миллион тонна	109
Прокат	47 миллион тонна	109
Пўлат трубалар	5,2 миллион тонна	113
Темир руда	94,4 миллион тонна	106
Кокс	53,4 миллион тонна	105
Нефть	129,5 миллион тонна	114
Газ	37,2 миллиард кубометр	125

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

К. Е. ВОРОШИЛОВ ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ Р. ПРАСАД ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ДЕҲЛИ, 20 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов бугун Ҳиндистон Республикаси президенти Ражендра Прасад ҳузурида бўлди. Учрашув вақтида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Олий Советининг депутати Е. А. Фурцева, Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, СССР Маданият министрининг ўринбосари Н. Н. Данилов, Тожикистон ССР Маданият министри А. И. Имомов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев, СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Авиловлар ҳозир бўлдилар.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди.

БОШ МИНИСТР Ж. НЕРУ К. Е. ВОРОШИЛОВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ДЕҲЛИ, 20 январь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Ж. Неру бугун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида бўлди. Учрашувда Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Олий Советининг депутати Е. А. Фурцева, Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР нинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев ҳозир бўлдилар. Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Пиллаи, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар секретари Датт ва Ҳиндистоннинг СССР даги элчиси Менон ҳозир бўлдилар.

Шу учрашув вақтида бўлган суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1959 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

	1959 йилда ишлаб чиқарилди	1958 йилга нисбатан 1959 йилнинг процентлари
Кўмир	506,5 миллион тонна	102
Шу жумладан: коксланадиган кўмир	100,8 миллион тонна	107
Сланец	13,7 миллион тонна	104
Электр қуввати	264 миллиард киловатт-соат	112
Минерал ўғитлар	12,9 миллион тонна	104
Олтин гугурт кислотаси	5,1 миллион тонна	106
Сунъий ва синтетик тола	179 минг тонна	108
Автомобиль покришкалари	15,5 миллион дона	108
Турбиналар	7,6 миллион киловатт	114
Турбиналар учун генераторлар	6,5 миллион киловатт	126
Йирик электр машиналар	6,7 минг дона	115
Қуввати 100 киловаттдан ошиқ электродвигателлар	18,1 минг дона	111
Қуввати 100 киловаттгача бўлган электродвигателлар	2,5 миллион дона	115
Электровакуум асбоблар	119 миллион дона	108
Металл қирқиш станоклари	146 минг дона	105
Темирчилик-пресслаш машиналари	28.5 минг дона	109
Металлургия ускуналари	200 минг тонна	114
Нефть аппаратлари	76,5 минг тонна	108
Кимё ускуналари	1,7 миллиард сўмлик	155
Тўқув станоклари	15.9 минг дона	111
Магистраль тепловозлар	1.002 дона	141
Магистраль электровозлар	435 дона	126
Юк ташийдиган магистраль вагонлар	38,6 минг дона	96
Пассажирлар ташийдиган магистраль вагонлар	1.8 минг дона	100.4
Троллейбуслар	563 дона	110
Автомобиллар	495 минг дона	97
Шу жумладан: юк автомобиллари ва автобуслар	370,5 минг дона	95
Енгил автомобиллар	124,5 минг дона	102
Шарик ва ролик подшипниклари	350 миллион дона	108
Тракторлар	213.5 минг дона	97
Трактор плуглари	155 минг дона	94
Шу жумладан: осма плуглар	93.1 минг дона	83
Трактор сеялкалари	136.5 минг дона	63
Шу жумладан: осма сеялкалар	41,6 минг дона	79
Трактор культиваторлари	121,5 минг дона	67
Шу жумладан: осма культиваторлар	107 минг дона	79
Ўзи юрар дон комбайнлари	53,6 минг дона	152
Лавлаги кавлаб берадиган комбайнлар	4,9 минг дона	67
Трактор косилкалари	83.8 минг дона	110
Шу жумладан осма косилкалар	39.5 минг дона	153
Дон тозалаш машиналари	15.7 минг дона	130
Экскаваторлар	10.2 минг дона	100.1
Автогрейдерлар	2,8 минг дона	106
Ташиб олинган қурилишбоп ёғоч (колхозлар ташиб олган ёғоч бу ҳисобга кирмайди)	245 миллион кубометр	105
Қоғоз	2,3 миллион тонна	104
Цемент	38,8 миллион тонна	116
Ғишт (колхозлар ишлаб чиқарган ғишт бу ҳисобга кирмайди)	32 миллиард дона	113
Деворбоп йирик бетон ва силикат блоклар ва ғовак бетон блоклар шартли ғиштга айлантириб ҳисоблаганда	1,1 миллиард дона	117
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар	25 миллион кубометр	129
Шифер	2.605 миллион шартли плитка	108
Томга ёпиладиган юмшоқ материал	690 миллион квадрат метр	106
Дераза ойнаси	140 миллион квадрат метр	105
Стандарт уйлар ҳамда деворлари маҳаллий бинокорлик материалларидан ясаладиган стандарт ва типовой уйлар учун керакли деталларнинг комплектлари	11,3 миллион квадрат метр уй-жой саҳнига тенг	119
Ип газлама	4,6 миллиард квадрат метр	107
Жун газлама	416 миллион квадрат метр	108
Зиғирпоя толасидан тўқилган газлама	484 миллион квадрат метр	110
Шойи газлама	663 миллион квадрат метр	96
Пайпоқлар	926 миллион жуфт	104
Ички трикотаж	438 миллион дона	110
Устки трикотаж	103 миллион дона	106
Чарм пойафзал	389 миллион жуфт	109
Кигиз пойафзал	31 миллион жуфт	109
Соатларнинг ҳамма турлари	26,2 миллион дона	106
Фотоаппаратлар	1,6 миллион дона	110
Радиоприёмниклар	4,0 миллион дона	103
Телевизорлар	1,3 миллион дона	131
Рўзғор холодильниклари	426 минг дона	118
Кир ювадиган рўзғорбоп машиналар	724 минг дона	134
Рўзғорбоп тикув машиналари	2,9 миллион дона	110
Мотоцикл ва мотороллерлар	500 минг дона	125
Велосипед ва мотовелосипедлар	3,3 миллион дона	90
Пианино ва рояллар	75,6 минг дона	114
Мебель	9,4 миллиард сўмлик	125
Металл кроватлар	13,2 миллион дона	108
Гўшт — ҳаммаси	8,6 миллион тонна	112
Шу жумладан колхозлар ва аҳолининг уйида сўйилган гўштларни ҳисобга олмаганда	4,2 миллион тонна	125
Колбаса	1,2 миллион тонна	115
Балиқ	3,0 миллион тонна	105
Мол ёғи — ҳаммаси	845 минг тонна	108
Шу жумладан колхозлар ва аҳолининг уйида тайёрланган мол ёғидан ташқари	712 минг тонна	110
Қаймоғи олинмаган сутдан ясалган маҳсулот сутга айлантириб ҳисоблаганда	7,2 миллион тонна	119
Шакар	6,0 миллион тонна	111
Кондитер буюмлари	1,8 миллион тонна	107
Макарон буюмлари	961 минг тонна	101
Ўсимлик мойи (колхозларда ва аҳолининг уйида тайёрланганидан ташқари)	1,8 миллион тонна	128
Консервалар	4,3 миллиард шартли банка	106
Узум виноси (колхозларда ва аҳолининг уйида тайёрланганидан ташқари)	54 миллион декалитр	114
Шампань виноси	35,4 миллион бутилка	108
Чой	64,4 минг тонна	111
Совун	1,4 миллион тонна	106
Папирослар	243 миллиард дона	105

Юк автомобиллари, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг баъзи турлари 1958 йилдагига нисбатан кам ишлаб чиқарилди, чунки заводлар тағин ҳам такомиллашган машиналар ишлаб чиқариш учун қайта қуриш билан банд бўлди.

1958 йилдагига нисбатан чўян 3,4 миллион тонна, пўлат 5 миллион тонна, прокат 3,9 миллион тонна, пўлат трубалар 589 минг тонна, темир руда 5,6 миллион тонна, нефть 16,3 миллион тонна, газ 7,3 миллиард кубометр, кўмир 10,4 миллион тонна, электр қуввати 28,6 миллиард киловатт-соат, цемент 5,5 миллион тонна, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар қарийб 6 миллион кубометр, қоғоз 91 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмол қиладиган моллардан 1958 йилдагига нисбатан газламалар 346 миллион квадрат метр, ички трикотаж 38 миллион дона, устки трикотаж 6 миллион дона, чарм пойафзал 33 миллион жуфт, шакар 576 минг тонна, гўшт 900 минг тонна, мол ёғи 66 минг тонна, сут маҳсулоти 1,1 миллион тонна, ўсимлик мойи 406 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Енгил саноат аҳоли кўп талаб қилаётган кўпгина буюмларни ишлаб чиқаришни анча оширган бўлса ҳам, бир қанча буюмлар, жумладан, ички кийимлар учун ишлатиладиган газламалар ва сатин ишлаб чиқариш унчалик кўп миқдорда ошмади. Костюмбоп ва кўйлакбоп қалин штапель газламалар ишлаб чиқариш суст ривожланмоқда. Енгил саноатнинг баъзи корхоналари нусхаси ва ранги нурсиз газламалар ва трикотаж буюмлар чиқаришни, шунингдек фасонлари ва моделлари бир хилда бўлган пойафзал чиқаришни ҳали ҳам давом эттирмоқдалар.

Саноат корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ўтган йилда фанни ривожлантиришда ҳамда комплекс механизацияни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни янада ривожлантириш, иш унуми юксак бўлган энг янги ускуналарни ва илғор технологияни жорий килиш, ускуналарни кенг равишда алмаштириш ва модернизация қилиш асосида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника жиҳатдан такомиллаштириш ишида янги катта муваффақиятларга эришдилар.

Машиналар, механизмлар, аппаратлар ва бошқа ускуналарнинг 2мингдан кўпроқ энг муҳим янги типлари ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Машиналар, ускуналар, асбоблар ва материалларнинг қарийб 400 га яқин номдаги энг муҳим янги турларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Машиналар, ускуналар, аппаратлар ва асбобларнинг эскириб қолган 600 дан кўпроқ номдаги конструкциялари ишлаб чиқаришдан олиб ташланди, улар ишлаб турган ва биринчи марта ўзлаштирилган машиналар ва ускуналарнинг янги турларидан бўлган энг яхши замонавий конструкциялар билан алмаштирилди. 1.400 дан кўпроқ автомат, ярим автомат ва поток-конвейер линиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Халқ хўжалиги кенгашларининг машинасозлик корхоналарида 50 мингдан кўпроқ металл қирқиш станоклари, темирчилик-пресслаш, қуюв, ёғоч ишлаш ускуналари ҳамда ишлаб турган бошқа технологик ускуналар 1958 йилдагига қараганда 20 процентдан кўпроқни ташкил қиладиган миқдорда модернизация қилинди. Шу билан бирга, бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналар ускуналар ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш планини бажармадилар; конструкциялари эскириб қолган ускуналар ва буюмларни ишлаб чиқараётган корхоналар хали ҳам оз эмас.

1959 йилда қора металлургия корхоналарида домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти бирмунча яхшиланди; мартен печларининг ҳар бир квадрат метр тубидан олинаётган пўлатнинг миқдори қарийб 4 процент кўпайди, бу эса фақат шунинг ҳисобигагина қўшимча равишда 1,7 миллион тоннадан кўпроқ мартен пўлати ишлаб чиқаришга имконият берди. Металлургия агрегатлари реконструкция қилинди ва бу агрегатларнинг механизация ва автоматизациянинг замонавий воситалари билан тъминланган, техника жиҳатидан анча такомиллаштирилган янги турлари жорий қилинди. Металлургия агрегатлари табиий газдан фойдаланиладиган янги иш режимига ўтказилди. Иссиққа чидаш берадиган ва бошқа махсус маркалардаги пўлатларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бир қаторда, металлургия корхоналарида прогрессив баъзи технология процесслари ҳали ҳам суст жорий қилинмоқда, янги техникани ривожлантириш ва жорий қилиш соҳасида планда кўзда тутилган бир қанча тадбирлар бажарилмади, баъзи заводларда мартен печларининг ишламай туриб қолиши ҳали ҳам анча кўп.

Кўмир шахталаридаги ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш учун иш унуми анча юқори бўлган машиналар, механизмлар ва установкалар, тозалаш ва тайёрлаш ишлари олиб бориладиган жойларни маҳкамлаш воситаларининг янги турлари яратилди ва жорий қилинди. Лентали ва кўрак конвейерларининг янги типларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, лаваларни ва кўмир шахталарини комплекс механизациялаш ишлари етарли равишда олиб борилмади, бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари ва шахталар тозалаш ва тайёрлаш ишлари олиб бориладиган жойларни маҳкамлаш планини ҳамда машиналарни, механизмларни ва установкаларни автомат равишда ва дистанцион бошқаришга ўтказиш планини бажармадилар.

Нефть ва газ саноатида нефть конларидан нефть чиқаришни анча оширадиган прогрессив технология методлари кенг қўлланилди. Кичрайтирилган ва калта диаметрли исканаларни кенгайтирилди; кон қудуқларини трубаларга ўрнатилган электробур билан пармалашни жорий қилиш давом эттирилди; нефть кон қудуқларидаги ишларни автоматлаштириш ва телемеханизациялаш кучайтирилди. Шу билан бир қаторда, нефть саноатида нефть билан қўшилиб чиқаётган газ ҳали ҳам нобуд бўлмоқда, нефть ва газ кон қудуқларини қазиш ва уларни ишлатишда пармалаш тезлигини ошириш планлари бажарилмади, шу билан бирга, бир станокнинг бир ойда пармалаш тезлиги 1959 йилда 1958 йилда эришилган даражадан пастроқ бўлди.

Ишлаб турган ва янгидан ишга туширилаётган электростанциялар учун ғоят кучли янги агрегатлар яратилди ва ўзлаштирилди. Южноуральск ГРЭСида қуввати 200 минг киловаттлик турбоагрегатни монтаж қилиш ва ишга тушириш учун тайёрлаш ишлари тамомланди; ҳар қайсисининг қуввати 300 минг киловаттлик ва жаҳонда энг катта бир ўқли буғ турбиналарининг иш лойиҳалари ва шундай қувватга эга бўлган турбогенераторнинг иш лойиҳаси тузилиб бўлди. Совет Иттифоқининг Европа қисмида ягона энергетика системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилди; ҳозир бу энергетика системаси 23 та энергосистемани бирлаштириб турибди. Район электростанцияларида электр қуввати ҳосил қилмоқ учун шартли ёқилгининг сарфланиши ўтган йилдагига қараганда 3 процент камайди.

1959 йилда халқ хўжалиги кенгашлари корхоналарни ихтисослаштиришни ривожлантириш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар; белгиланган планга мувофиқ, қуймалар, поковкалар ва штамповкаларни, жуда кўп қўлланиладиган деталлар ва узелларни, машиналар ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарнинг қуввати оширилди; корхоналарнинг районлар ичида ва районлараро кооперативлашган рационал алоқаларини янада тартибга солиш ва кенгайтириш ишлари ўтказилди. Шу билан бирга, бир хилдаги ва бир типдаги механизмлар, узеллар ва деталларни, айниқса запас қисмларни ишлаб чиқариш ихтисослаштирилмаган кўп корхоналарда ҳали ҳам олиб борилмоқда, бир қанча ҳолларда ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш корхоналарнинг рационал бўлмаган эски алоқалари асосида ташкил этилмоқда.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника тараққиёти меҳнаткашлар оммасининг актив иштироки билан амалга оширилмоқда. **Ўтган йил 2 миллиондан кўпроқ ихтирочи ва рационализаторлар ишлаб чиқаришни такомиллаштирадиган 3 миллион 300 мингдан кўпроқ таклиф киритдилар. Халқ хўжалигида 2 миллиондан кўпроқ ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинди, бу эса бир йилга ҳисоблаганда 11 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежайди.**

Саноат маҳсулоти таннархини камайтиришнинг 1959 йил учун белгиланган плани ошириб бажарилди. Бутун саноат маҳсулотининг таннархини пасайтириш натижасида пландан ташқари 10 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Туркманистон ССРдан бошқа барча иттифоқчи республикалар саноат маҳсулоти таннархини камайтириш планини ошириб бажардилар.

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш плани ва унинг таннархини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилганлиги натижасида саноат планда мўлжалланганидан кўра кўпроқ фойда олди. Ўтган йил 1958 йилдагига қараганда 20 процентдан кўпроқ фойда олинди. Шу билан бирга, корхоналарнинг кўпчилиги фойда олиш планини тўла ва ошириб бажарди.

II

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўтган йил барча қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдони 196,3 миллион гектарни ташкил қилди, яъни 1953 йилда хосили олинган экин майдонларидан қарийб 40 миллион гектар ошиб кетди ва 1958 йилдаги экин майдонларидан бирмунча кўпроқ бўлди. Маккажўхори экилган майдон 22,4 миллион гектарни ташкил этди ва 1953 йилдагига қараганда 19 миллион гектар кўпайди.

Дон экинлари, қанд лавлаги, кунгабоқар, узун толали зиғир ва бошқа баъзи экинларнинг ялпи ҳосили мамлакатнинг бир қанча районларида қургоқчилик бўлганлиги натижасида энг серҳосил йил бўлган 1958 йилдагига қараганда камроқ бўлди.

Бироқ, ўтган йил дон экинларидан олинган ялпи ҳосил 1954—1958 йилларда ҳар йил ўртача олинган ялпи ҳосилдан 700 миллион пуд ошиқ бўлди, 1949—1953 йилларда ҳар йил олинган ўртача ялпи дон ҳосилидан 2 миллиард 700 миллион пуд ошиқ бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 1959 йилда 7,6 миллиард пуд (124,8 миллион тонна) ғалла ҳосили олинди, бу эса, бу йил аҳолининг талабини ва давлатнинг бошқа эҳтиёжларини қондиради.

Ўтган йил 4,7 миллион тонна—мамлакатимиздаги пахтачиликнинг бутун тарихида энг кўп миқдорда пахта ҳосили олинди ва ҳар бир гектардан олинган ҳосил энг юқори бўлди. Пахтанинг сифати яхшиланди. 1954—1958 йилларда ҳар йил олинган ўртача ҳосилга қараганда, қарийб 500 минг тонна кўп пахта ҳосили олинди.

Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР, шунингдек Жанубий Қозоғистон ва Чоржўй областлари ҳамда бошқа областлар ва республикаларнинг кўпгина колхозлари ва совхозлари давлатга пахта сотиш юзасидан олган ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажариб, пахта етиштиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Қанд лавлагидан ўтган йил 1958 йилдагига қараганда бирмунча кам ҳосил олинди. **Бироқ, қанд лавлагининг ялпи ҳосили 1954—1958 йиллардаги ҳар йилги ўртача ялпи ҳосилдан 8,4 миллион тонна ошиқ бўлди. 1959 йилда ундан олдинги йилга қараганда 11 процент кўп қанд-шакар ишлаб чиқарилди.**

Деҳқончиликнинг асосий маҳсулотлари давлат томонидан кейинги икки беш йилликда ҳар йил ўртача харид қилинганига қараганда қанча миқдорда харид қилинганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

Хўжаликнинг ҳамма категорияларида давлат харид қилган маҳсулотлар

(Миллион тонна ҳисобида)

	1949—1953 йилларда (ўрта ҳисобда ҳар йили)	1954—1958 йилларда (ўрта ҳисобда ҳар йили)	1959 йил
Дон экинлари			
миллиард пуд	2,00	2,66	2,85
миллион тонна	32,8	43.6	46,6
Қанд лавлаги	20,7	34,2	41,4
Пахта	3,5	4.2	4,7
Кунгабоқар	1,3	2,1	1,9
Картошка	6,0	7,3	6,8
Сабзавот	2,0	3,8	4,5

1954 — 1958 йилларда ҳар йили харид қилинган ўртача миқдорга нисбатан 1959 йилда дон қарийб 200 миллион пуд, қанд лавлаги 7,2 миллион тонна, сабзавот 700 минг тонна кўп харид қилинди.

* * *

Маҳсулдор чорва молларнинг сони ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Чорва моллар сони кўпайганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

Маҳсулдор чорва молларнинг сони

(Йил охирида, миллион бош ҳисобида)

	1953 йил	1958 йил	1959 йил	1959 йил процент билан: 1953 йилга нисбатан	1959 йил процент билан: 1958 йилга нисбатан
Хўжаликларнинг ҳамма категориялари					
Қорамол	55,8	70,8	74,1	133	105
Шу жумладан сигирлар	25,2	33,3	33,9	134	102
Чўчқалар	33,3	48,7	53,3	160	109
Қўйлар	99,8	129,9	136,1	136	105
Колхозлар ва совхозлар					
Қорамол	31,2	40,3	47,4	152	118
Шу жумладан сигирлар	9,8	14,4	16,3	166	114
Чўчқалар	17,1	31,3	36,7	215	117
Қўйлар	83,8	100,0	105,7	126	106

Мамлакатдаги чорва молларнинг сони кейинги йилларда, айниқса ўтган йил асосан колхозлар ва совхозлардаги жамоат чорва моллари сони ҳисобига кўпайди.

Колхозлар ва совхозларда жамоат чорва молларининг сони 1958 йилдагига нисбатан кўпайди: қорамоллар 7 миллион 100 минг бош, ёки 18 процент, шу жумладан, сигирлар 1 миллион 900 минг бош, ёки 14 процент кўпайди; чўчқалар сони 5 миллион 400 минг бош, ёки 17 процент ва қўйлар сони 5 миллион 700 минг бош, ёки 6 процент кўпайди. Паррандалар сони 26 миллион бош, ёки 26 процент кўпайди. Колхозлар ва совхозлардаги жамоат чорвачилигининг мамлакатдаги умумий чорвачиликда бўлган салмоғи анча ошди. Ўтган йил аҳоли қўлидаги чорва моллар сони бирмунча камайди, бунинг сабаби шуки, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўз қўлидаги чорва молларнинг бир қисмини совхозларга ва колхозларга сотди.

Маҳсулдор чорва моллар ва паррандаларнинг умумий сони кўпайганлиги билан бир вақтда асосий чорвачилик маҳсулотларини етиштириш асосан жамоат хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига анча кўпайди. Буни қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди:

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

	1953 йил	1958 йил	1959 йил	1959 йил процентлари: 1953 йилга нисбатан	1959 йил процентлари: 1958 йилга нисбатан
Хўжаликларнинг ҳамма категориялари					
Гўшт ва ёғ (сўйилган ҳолда) — миллион тонна	5,8	7,7	8,6	149	112
Сут—миллион тонна	36,5	58,7	62	170	106
Мол ёғи (колхозларда ва аҳолининг уйида тайёрланган мол ёғи ҳам шу ҳисобга киради) — минг тонна	497	779	845	170	108
Тухум — миллиард дона	16,1	23,0	24,8	155	108
Жун — минг тонна	235	322	350	149	109
Колхозлар ва совхозлар					
Гўшт ва ёғ (сўйилган ҳолда)—миллион тонна	2,5	3,3	4,2	168	127
Сут—миллион тонна	11,4	26,7	30,5	268	114
Тухум—миллиард дона	2,4	3,3	4,3	178	128
Жун—минг тонна	196	250	275	140	110

Колхозлар ва совхозларда 1958 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш 900 минг тонна, ёки 27 процент, сут етиштириш 3 миллион 800 минг тонна, ёки 14 процент, жун етиштириш 25 минг тонна, ёки 10 процент кўпайди.

СССР етиштирилаётган сутнинг умумий миқдори жиҳатидан АҚШга 1958 йилдаёқ етиб олди. **1959 йилда СССРда 62 миллион тонна сут етиштирилди,** АҚШда эса, АҚШнинг ўзидаги расмий маълумотга қараганда, 57 миллион тоннага яқин сут етиштирилган.

1959 йилда СССРда етиштирилган мол ёғи 845 минг тоннани ташкил қилди, ёки ўрта ҳисобда жон бошига 4 килограммдан тўғри келди. 1958 йилда Америка Қўшма Штатларида, фермерлар тайёрлаган мол ёғини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 685 минг тонна, ёки аҳоли жон бошига 3,9 килограмм мол ёғи етиштирилган эди. АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг маълумотига қараганда, АҚШда 1959 йилда фермерлар тайёрлаган мол ёғини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 658 минг тонна, ёки аҳоли жон бошига 3,7 килограммдан мол ёғи етиштирилган. **Шундай қилиб, аҳоли жон бошига мол ёғи етиштириш жиҳатидан СССР 1959 йилда Қўшма Штатлардан ўзиб кетди.**

Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган **сутнинг ўртача миқдори** 1959 йилда янада кўпайди, буни қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

	1953 йил	1958 йил	1959 йил
Колхозлар ва совхозларда ҳар бир сигирдан бир йилда соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори—килограмм	1.157	1.994	2.067
Фақат колхозларнинг ўзида ҳар бир сигирдан бир йилда соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори—килограмм	1.016	1.937	2.004

Асосан маккажўхори етиштиришни кўпайтириш ҳисобига ем-ҳашак базаси мустаҳкамланганлиги чорвачиликни юксалтиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлди.

Ўтган йил 150 миллион тонна, ёки 1953 йилдагига қараганда, 118 миллион тонна кўп силос бостирилди. Маккажўхоридан 114 миллион тонна силос бостирилди, 1953 йилда маккажўхоридан деярли силос бостирилмаган эди. Ҳар бир сигирга ҳисоблаганда, ўтган йил ҳаммаси бўлиб қарийб 10 тоннадан силос бостирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайганлигига қарамай, бир қанча областлар, ўлкалар ва республикаларда чорва моллар сонини тағин ҳам тез кўпайтирмоқ ҳамда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтирмоқ учун ҳали ҳам фойдаланилмасдан ётган имкониятлар бор; қорамоллар ва чўчқаларни боқиб семиртиришни ташкил этишга, шунингдек паррандачиликни ривожлантиришга ҳали ҳам етарли эътибор берилмаётир. Баъзи республикаларда ем-ҳашак базасини кўпайтириш чорва моллар сонининг кўпайишидан орқада қолишига йўл қўйилди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилган районлардаги колхозлар ва совхозларнинг кўпчилигида чорвачилик ҳали ҳам секин ривожланмоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш анча кўпайди. **Чорва молларни ва паррандаларни, сут, тухум ва жунни харид қилиш плани муддатидан олдин бажарилди. 1959 йилда чорва моллар ва паррандаларни харид қилиш давлат плани 126 процент, сут харид қилиш плани 105 процент, тухум харид қилиш плани 106 процент ва жун харид қилиш плани 105 процент бажарилди.**

Чорвачилик маҳсулотларининг давлат томонидан харид қилиниши қуйидаги миқдорда кўпайди.

	1953 йил	1958 йил	1959 йил	1959 йил процентлари: 1953 йилга нисбатан	1959 йил процентлари: 1958 йилга нисбатан
Хўжаликларнинг ҳамма категориялари					
Чорва мол ва парранда (тирик вазнда)—миллион тонна	3,6	5,7	7,6	210	133
Сутга айлантириб ҳисоблаганда сут ва сут маҳсулотлари—миллион тонна	10,6	22,1	25,0	234	113
Тухум — миллиард дона	2,6	4,5	5,6	216	125
Колхозлар ва совхозлар					
Чорва мол ва парранда (тирик вазнда) — миллион тонна	3,0	4,7	6,3	212	134
Сутга айлантириб ҳисоблаганда сут ва сут маҳсулотлари—миллион тонна	7,6	19,8	22,9	304	116
Тухум — миллиард дона	1,4	2,6	3,5	239	132

Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида давлат томонидан харид қилинган чорва мол ва парранда 1958 йилдагига нисбатан 1,9 миллион тонна, сут 2,9 миллион тонна, тухум 1,1 мил-

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1959 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

(БОШИ БИР ВА ИККИНЧИ БЕТЛАРДА)

лиард дона кўпайди. Шу жумладан, колхозлар ва совхозлар давлатга чорва мол ва парранда сотишни 34 процент, сут сотишни 16 процент, тухум сотишни 32 процент ва жун сотишни 12 процент кўпайтирдилар. **Давлат томонидан ўтган йил харид қилиб олинган маҳсулотларнинг умумий миқдорига нисбатан колхозлар ва совхозларнинг салмоғи чорва моллар ва парранда бўйича 83 процентни, сут бўйича 92 процентни, тухум бўйича 61 процентни, жун бўйича 87 процентни ташкил қилди.**

Социалистик мусобақа ташаббусчилари—бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларнинг қишлоқ хўжалик ходимлари чорвачиликни, айниқса гўшт етиштиришни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Чунончи: Рязань областининг қишлоқ хўжалик ходимлари давлатга 150 минг тонна, ёки 1958 йилдагига қараганда 3 баравар кўп гўшт сотиб, гўшт етиштириш ва давлатга гўшт сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Олтой ва Хабаровск ўлкалари, Киров, Оренбург, Ленинград, Амур, Архангельск, Астрахань, Сахалин областлари ва Ёқутистон АССР ҳам давлатга гўшт сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. Свердловск области давлатга планда белгиланганига қараганда икки баравар кўп гўшт сотди.

Совхозларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида анча иш қилинди. Бир йил ичида 500 та совхоз ташкил этилди ва 1960 йилнинг 1 январигача мамлакатда совхозларнинг сони 6.500 тага етди. Ўтган йил давлат харид қилган маҳсулотларнинг миқдорига нисбатан совхозларнинг салмоғи дон бўйича 38 процентни, чорва моллар ва парранда бўйича 22 процентни, сут бўйича 25 процентни ва жун бўйича 28 процентни ташкил қилди. Совхозлар давлатга 1.687 минг тонна, ёки 1958 йилдагига қараганда 31 процент кўп чорва мол ва парранда сотдилар. Совхозлар давлатга 6.115 минг тонна сут сотиб, ўзлари давлатга сотаётган сутнинг миқдорини 22 процент кўпайтирдилар. Совхозлар давлатга 1.384 миллион дона, ёки 1958 йилдагига қараганда 26 процент кўп тухум, 100 минг тонна, ёки 1958 йилдагидан 14 процент кўп жун сотдилар.

Бироқ, кўп совхозлар ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқдалар, қишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса ем-ҳашак экинларидан кам ҳосил олмоқдалар, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳамма имкониятлардан фойдаланмаётирлар; бир қанча совхозларда ҳали ҳам меҳнат кўп сарфланмоқда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг таннархи қимматга тушмоқда.

Ўтган йил кўп колхозлар колхозчилар меҳнатига қатъий гарантияланган ҳақ тўлаш тартибига ўтдилар. Бу эса, колхозчиларнинг меҳнат активлигини оширишга ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга ёрдам берди.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тамомланди. Илгари МТСлар хизмат кўрсатиб келган колхозларнинг (қишлоқ хўжалик артелларининг) ҳозирги вақтда ўз тракторлари ҳамда зарур қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари бор. **Машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш бошланганидан бери колхозлар 1958 йилда ва 1959 йил мобайнида 32 миллиард сўмлик тракторлар, машиналар ва деҳқончилик асбоблари сотиб олдилар,** шу жумладан, МТСлар ишлатиб келган трактор ва машиналарни сотиб олишга 18 миллиард сўм ва янгиларини сотиб олишга 14 миллиард сўм сарфладилар. Кейинги икки йил ичида колхозлар ҳаммаси бўлиб 660 мингдан кўпроқ трактор, 300 мингга яқин галла комбайни ҳамда бошқа кўпгина машиналар ва ускуналар сотиб олдилар.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш давом этди. Ўтган йил ичида қишлоқ хўжалиги (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 234 минг трактор, 77 минг юк автомобили, 52 минг дон комбайни, 57 минг каторли жатка, 144 минг трактор плуги, 127 минг трактор сеялкаси, 122 минг трактор культиватори, 82 минг трактор косилкаси, 15 минг трактор хаскаши, тракторга улаб ишлатиладиган ва картошка кавлаб берадиган 18 минг машина ҳамда бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари олди.

III

ТРАНСПОРТ

Транспортнинг айрим турлари юк ташиш планини қандай бажарганликлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1959 йилда бажарилди	Планнинг 1959 йилда бажарилиш проценти	1959 йилнинг 1958 йилга нисбатан проценти
Юк обороти—миллиард тонна-километр			
Темир йўл транспорти	1.429	105	110
Умумий фойдаланишдаги дарё транспорти	94	103	110
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти	21	103	120
Нефтепровод транспорти	41	96	122
Юк ташиш—миллион тонна			
Темир йўл транспорти	1.750	103	109
Умумий фойдаланишдаги дарё транспорти	192	104	108
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти	1.302	106	118
Нефтепровод транспорти орқали юборилган нефть	111	104	117

Юк обороти планини денгиз транспортининг каботаж кемалари 105 процент бажарди, чет элларга қатновчи кемалар юк ташиш планини 104 процент бажарди; кемаларнинг ҳамма турлари юк обороти 8 процент ва юк ташишни 3 процент кўпайтирди.

Ҳаво транспорти пассажирлар ташиш планини 106 процент бажарди; пассажирлар ташиш ўтган йилдагига нисбатан 48 процент кўпайди.

Мамлакат транспортининг ҳаракат состави анча миқдорда янги, тағин ҳам такомиллашган электровозлар, тепловозлар, кўп юк ташийдиган вагонлар, автомобиллар, кемалар, самолётлар олди.

Транспортнинг ҳамма турлари қатнайдиган янги йўллар қуриш ва борларини реконструкция қилиш соҳасида катта ишлар қилинди. Электровоз ва тепловозлар қатнайдиган ҳамда автоблокировка ўрнатилган ва диспетчерлик хизмати марказлаштирилган темир йўлларнинг узунлиги кўпайди. Электровозлар ва тепловозлар қатнайдиган темир йўлларнинг узунлиги ўтган йилнинг охирига бориб 25 минг километрдан кўпроқ масофага етди. Темир йўлларда электровоз ва тепловозлар ёрдами билан бажарилган юк обороти 1958 йилдагига нисбатан 40 процент кўпайди, темир йўллардаги бутун юк оборотида электровозлар ва тепловозларнинг салмоғи 1958 йилдаги 26,5 процент ўрнига 33,5 процентни ташкил қилди.

Ўтган йил темир йўл транспорти энг муҳим юкларни — тош кўмир, нефть ва нефть маҳсулотларини, руда, қора металлар, галлани ташиб бериш планини тўла ва ошириб бажарди; юк поездининг вазнини ошириш, юк поездлари ҳаракатининг участка (коммерческий) тезлигини ошириш, электровозлар, тепловозлар ва паровозларнинг бир кунда ўрта ҳисобда босадиган масофасини ошириш ва вагоннинг юк ортиш-тушириш вақтида туриб қолишини камайтириш юзасидан берилган топшириқлар бажарилди. Темир йўл транспортида меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташишнинг таннархини камайтириш топшириқлари бажарилди. Юк вагони оборотининг ўртача вақти ва юк вагонининг техника станцияларида бекор туриб қолиш вақти 1958 йилдагига нисбатан камайди. Айни вақтда кўпгина саноат корхоналарида вагонларнинг юк ортиш-бўшатиш вақтида белгиланган нормадан ортиқ ушланиб қолишига йўл қўймоқдалар. Бир қанча темир йўллар ва саноат корхоналари энг муҳим оммавий юкларни маршрутлар билан ташиш юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар.

Денгиз ва дарё транспортида кемаларнинг унумсиз туриб қолишлари камайди, бироқ, кўп портларда ва пристанларда бундай бекор туриб қолишларга анча вақт кетмоқда.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг автохўжаликларида ҳамда халқ хўжалиги кенгашларининг, министрликлар ва бошқармаларнинг бирлаштирилган автохўжаликларида автомобиллардан майда автохўжаликлардагига қараганда яхшироқ фойдаланилмоқда ва юк ташишнинг таннархи анча арзонга тушмоқда. Айни вақтда халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармаларнинг автохўжаликларини йириклаштириш ҳали ҳам секинлик билан бормоқда. Автомобиль транспорти ташиб берган ҳамма юклар орасида умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти билан ташилган юкларнинг салмоғи 25 процентни ташкил қилди, холос.

IV

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат ва кооператив ташкилотлари томонидан сарфланган капитал маблағларнинг ҳажми (колхозлар сарфлаган капитал маблағлар бу ҳисобга кирмайди) 275 миллиард сўмни ташкил қилди ва 1958 йилда сарфланган капитал маблағлар ҳажмидан 12 процент ошиб кетди. Сарфланган капитал маблағларнинг мана шу умумий ҳажмидан давлат планида кўзда тутилган капитал маблағлар 225 миллиард сўмни ташкил қилди; шу билан бирга, давлат плани 95 процент бажарилди. Марказлаштирилмаган маблағлар ҳисобига сарфланган капитал маблағлар 50 миллиард сўмни ташкил қилди. Колхозлар ҳам кўп миқдорда капитал маблағ сарфламоқдалар.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар бўйича сарфланган капитал маблағларнинг қанчалик ўсганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1959 йилда сарфланган капитал маблағлар ҳажмининг 1958 йилга нисбатан проценти
РСФСР	110
Украина ССР	111
Белоруссия ССР	111
Ўзбекистон ССР	105
Қозоғистон ССР	117
Грузия ССР	109
Озарбайжон ССР	104
Литва ССР	115
Молдавия ССР	115
Латвия ССР	120
Қирғизистон ССР	106
Тожикистон ССР	128
Арманистон ССР	115
Туркманистон ССР	107
Эстония ССР	114

Капитал маблағлар янги қурилишларга, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга, кенгайтиришга ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфланди.

Давлат капитал маблағлари кимё саноатига 1958 йилдагига нисбатан 59 процент, металлургия саноатига 22 процент, нефть ва газ саноатига 14 процент, электростанциялар қуришга 4 процент, машинасозликка 39 процент, бинокорлик материаллари саноатига ва қурилиш индустриясига 15 процент, ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноатига 17 процент, енгил саноатга ва озиқ-овқат саноатига 34 процент, темир йўл транспортига 12 процент кўп сарфланди.

Бутун йил мобайнида 1.000 дан кўпроқ янги йирик давлат саноат корхоналари ҳамда мавжуд корхоналарда қурилган кўп миқдордаги янги цехлар ишга тушди.

Қора ва рангли металлургияда, кимё, нефть ва кўмир саноатида, электростанцияларда, машинасозлик саноатида, бинокорлик материаллари саноатида, ўрмон ва қоғоз саноатида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Қора металлургияда учта домна печи, ўнта мартен печи, учта электропечь, иккита бессемер конвертери, еттита прокат стани, бешта кокс батареяси ишга туширилди. Кон руда саноатида анчагина қувватлар ишга туширилди; темир руда саноатида ҳаммаси бўлиб йилига 23 миллион тонна руда берадиган янги шахталар ва рудниклар, шу жумладан, йилига 9 миллион тонна темир руда берадиган Ново-Криворожский кон-бойитиш комбинати ишга тушди.

Электростанцияларда 5 ярим миллион киловаттга яқин электр қуввати берадиган янги қувватлар ишга туширилди. Сталинград гидроэлектростанциясида пландаги бешта гидроагрегат ўрнига тўққизта гидроагрегат ишга тушди. Сталинград гидроэлектростанцияси — Москва ўртасида масофаси бир минг километрлик 500 минг вольт кучли ва жаҳонда энг катта электромагистраль ишга туширилди.

Умумий масофаси 3,7 минг километрлик янги газ қувурлари, умумий масофаси икки минг километрдан ошиқ нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари ўтказувчи қувурлар ишга тушди.

Бир минг километрдан кўпроқ янги темир йўллар фойдаланиш учун топширилди. Темир йўлларни электрлаштириш плани ошириб бажарилди. Икки минг километрдан кўпроқ электрлаштирилган темир йўллар ишга туширилди.

Енгил саноатда ва озиқ-овқат саноатида катта қувватлар ишга туширилди. 1958 йилдагига қараганда қарийб уч баравар кўп янги йигирув урчуқлари ва икки баравар кўп тўқув станоклари ўрнатилди. Пойафзал фабрикаларида йилига қарийб 20 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди.

Ўн бешта янги қанд заводи ишга тушди ва мавжуд қанд заводларидаги қувватлар анча кенгайтирилди. Мамлакат қанд заводларида кунига 600 минг центнердан кўпроқ қанд лавлагини қайта ишлаб берадиган, ёки 1958 йилда ишга туширилганига қараганда уч баравар кўп янги қувватлар ишга туширилди. Кўп миқдорда сут, сариёғ, пишлоқ ва консерва заводлари ҳамда нон заводлари, музхоналар ва озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналари қуриб битказилди.

Шу билан бирга, саноатнинг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш йиллик плани тўла бажарилмай қолди.

Қурилиш индустриясининг техника базасини янада мустаҳкамлаш давом эттирилди. **Пудратчи ташкилотлар қурилиш-монтаж ишларининг йиллик планини 100,2 процент бажардилар ва ишларнинг ҳажмини 1958 йилдагига нисбатан 16 процент кўпайтирдилар.**

Транспорт қурилиши министрлигининг ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари планини 103 процент, Электростанциялар қуриш министрлигининг ташкилотлари 100 процент, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Газ саноати бош бошқармасининг ташкилотлари 114 процент бажардилар.

Қурилишда индустриал методлар кенг қўлланилди, заводда ясалган конструкциялар ва деталларни қўлланиш анча кўпайди, биноларни тайёр конструкциялар ва деталлардан йиғиб қуриш кўпайди, қурилиш ташкилотларини йириклаштириш ва ихтисослаштириш давом эттирилди, қурилиш ишларини механизациялаш даражаси оширилди, типовой лойиҳаларни қўлланиш кўпайди. Шу билан бир вақтда, қурилиш ишларини ташкил этишда катта камчиликлар ҳали ҳам содир бўлмоқда, бунинг натижасида баъзи саноат объектларини ва маданий-маиший объектларни қуриш бир қанча ҳолларда чўзилиб кетмоқда. Қурилиш машиналари ва механизмларининг қувватидан ҳали ҳам тўла равишда фойдаланилмаётир.

Қуриш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш топшириғи бажарилди. Қуриш-монтаж ишларининг ҳақиқатда эришилган таннархи 1958 йилдаги даражага нисбатан 1,4 процент камайди.

V

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР СОНИ ҲАМДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ЎСИШИ

СССР халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг йиллик ўртача сони 56,3 миллион кишини ташкил қилди. Саноатда, қурилишда, совхозларда, транспортда ва алоқа корхоналарида ишчиларнинг сони, шунингдек инженер-техник ходимларнинг ва бошқа мутахассисларнинг сони 1958 йилдагига нисбатан 1 миллион 700 минг киши миқдорида кўпайди. Мактаблар, ўқув юртлари, илмий тадқиқот, маданий-оқартув, даволаш ва санаторий-курорт муассасалари ходимларининг сони 450 минг киши миқдорида кўпайди, савдо ва уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг сони 300 мингдан зиёд кўпайди. Юқорида санаб ўтилган тармоқларда ишчи ва хизматчиларнинг сони ҳаммаси бўлиб 2 миллион 450 минг киши миқдорида кўпайди. Машина-трактор станциялари ходимларининг сони шу давр ичида 750 минг киши миқдорида камайди, чунки 1959 йил бошида машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш давом этганлиги сабабли трактор бригадаларининг ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бир қисми колхозлардаги ишларга ўтиб кетдилар. Шунлай қилиб, **халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони бир йил ичида 1 миллион 700 минг киши миқдорида кўпайди.**

Ўтган йиллардаги каби 1959 йилда ҳам мамлакатда ишсизлик бўлмади.

Ўтган йил профессионал-техника таълими билим юртларини ва мактабларини 560 мингдан кўпроқ малакали ёш ишчилар тамомлаб чиқди ва улар саноатга, қурилишга, транспортга ҳамда қишлоқ хўжалигига ишга юборилди. Якка-бригада тартибида ҳунар ўрганиш ва курсларда ўқиш йўли билан ўтган йил 9 миллионга яқин ишчи ва хизматчи ўз малакасини оширди ва янги касбларни ўрганиб олди.

Саноатда ва қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш плани ортиғи билан бажарилди. Меҳнат унумдорлиги саноатда 1958 йилдагига нисбатан (бир қанча тармоқларда иш куни қисқартирилгани ҳолда) 7,4 процент ва қурилишда 9 процент ошди.

Саноат ва қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида эришилган сурат СССР халқ хўжалигини ривожлантириш планида 1959—1965 йиллар учун мўлжалланган йиллик ўртача суратдан юқори бўлди.

Давлат саноатининг айрим тармоқларида меҳнат унумдорлиги 1958 йилдагига нисбатан: қора металлургияда 5 процент, нефть чиқариш саноатида 12 процент, кимё саноатида 5 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 10 процент, ёғоч тайёрлаш саноатида 10 процент, енгил саноатда 6 процент, озиқ-овқат саноатида 10 процент ошди. Кўмир саноатида (ҳамма кўмир ҳавзаларида иш куни қисқартирилгани ҳолда) ҳар бир ишчига ҳисоблаганда кўмир қазиб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан 2 процент кўпайди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани иттифоқчи республикаларнинг ҳаммасида ошириб бажарилди.

Иттифоқчи республикаларда саноат ва қурилишдаги меҳнат унумдорлиги қанчалик ошганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1959 йилдаги меҳнат унумдорлигининг 1958 йилдагига нисбатан проценти	
	Саноатда	Қурилишда
РСФСР	108	110
Украина ССР	107	110
Белоруссия ССР	108	107
Ўзбекистон ССР	106	107
Қозоғистон ССР	106	110
Грузия ССР	106	104
Озарбайжон ССР	104	103
Литва ССР	107	109
Молдавия ССР	105	111
Латвия ССР	108	108
Қирғизистон ССР	105	102
Тожикистон ССР	107	109
Арманистон ССР	108	104
Туркманистон ССР	102	105
Эстония ССР	109	107

VI

МИЛЛИЙ ДАРОМАДНИНГ ЎСИШИ ҲАМДА ХАЛҚ ТУРМУШИ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ЮКСАЛИШИ

СССРнинг миллий даромади 1958 йилдагига нисбатан 8 процент, яъни тахминан 100 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Бу эса, социалистик ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқ ва ишчилар ва хизматчиларга бевосита тўланадиган иш ҳақини ва колхозларда тўланадиган меҳнат ҳақини кўпайтириш йўли билан ҳам, шунингдек меҳнаткашларга жамоат йўли билан хизмат кўрсатиш ҳисобига ҳам халқ фаровонлигини янада оширмоқ учун жамғармаларни ўстиришни таъминлади.

Кейинги йилларда ишчи ва хизматчиларни етти ва олти соатлик қисқартирилган иш кунига ўтказиш ҳамда иш ҳақини тартибга солиш соҳасида анча иш қилинди. Кўмир саноатининг ва қора металлургиянинг ишчи ва хизматчиларидан сўнг кейинги икки йил ичида рангли металлургия, кимё саноати, цемент саноати корхоналарининг, темир-бетон буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқарадиган, туз ва озокерит қазиб чиқарадиган корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ҳам қисқартирилган иш кунига ўтказилди ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шартлари жорий қилинди. Машинасозлик ва металл ишлаш, нефть, газ саноати корхоналарининг ва бошқа баъзи саноат тармоқларининг ишчи ва хизматчилари қисқартирилган иш кунига ўтказилмоқда ва шу билан бир вақтда уларга иш ҳақи тўлаш тартибга солинмоқда. Темир йўл транспорти ва алоқа корхоналарининг ишчи ва хизматчиларини қисқартирилган иш кунига ўтказиш бошланди. Қисқартирилган иш кунига ўтказиш ишчи ва хизматчилар олаётган иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда амалга оширилмоқда, қисқартирилган иш кунига ўтказиш билан бир вақтда иш ҳақини тартибга солиш тадбирлари ҳам амалга оширилган саноат тармоқларида эса ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи сақланибгина қолмай, шу билан бирга, янги оширилган ставкалар ва окладлар жорий қилинганлиги сабабли уларнинг иш ҳақи, айниқса кам ҳақ тўланаётган ходимларнинг иш ҳақи анча ошди.

1959 йилнинг охирига келиб халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамма ишчи ва хизматчилардан 13 миллиондан кўпроқ киши етти ва олти соатлик қисқартирилган иш кунига эга бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВҚСПСнинг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилган қарорига мувофиқ, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказиш 1960 йилда тугалланиши лозим.

Ўтган йилларда ҳам бўлганидек, аҳоли давлат ҳисобидан нафақалар ҳамда ишчи ва хизматчиларни социал страхование қилиш бўйича бериладиган тўловлар, социал таъминот бўйича пенсиялар, ёлғиз ва кўп болали оналарга тўланадиган нафақалар, ўқувчиларга тўланадиган стипендиялар, текин медицина ёрдами, санаторийларга ва дам олиш уйларига текин ва қулай нархлар билан йўлланмалар олиб турди, текин ўқитиш ва малакани ошириш имкониятларини ҳамда бошқа бир қанча тўловлар ва имтиёзларни олиб турди. Бундан ташқари, ҳамма ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи сақлангани ҳолда камида икки ҳафталик, бир қанча касбларда ходимлар эса муддати бундан ҳам узоқроқ отпускалар олдилар.

Ўтган йил аҳоли мазкур ҳамма тўловлар ва имтиёзларни 1958 йилдаги 215 миллиард сўм ўрнига қарийб 230 миллиард сўм миқдорида олди.

Колхозларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсганлиги ва унинг товар маҳсулоти кўпайганлиги сабабли, колхозларнинг пул даромадлари 1959 йилда 140 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни ташкил қилди ва 1958 йилда олган пул даромадларидан ошиб кетди. Шунингдек колхозчиларнинг меҳнатига тўланаётган пул ҳам кўпайди.

1959 йилда ишчилар, хизматчилар ва деҳқонларнинг пул даромадлари ошганлиги сабабли, аҳолининг омонат кассаларига пул қўйишлари янада кўпайди; омонат кассаларига қўйилган пулларнинг миқдори йил охирига келиб, йил бошидаги 87 миллиард сўмга қараганда 100 миллиард сўмдан ошиб кетди, қўйилган омонатларнинг сони эса 50 миллиондан ошиб кетди ва бир йил ичида 3 миллион миқдорида кўпайди.

Давлат ва кооператив савдоси магазинлари ва дўконларидан аҳолининг озиқ-овқат моллари ва бошқа молларни сотиб олишлари анча кўпайди. **Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми 709,6 миллиард сўмни ташкил қилди (бу ҳисобга матлубот кооперациясининг комиссион савдо йўли билан сотган озиқ-овқат моллари кирмайди). Чакана товар обороти,** таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда, 1958 йилдагига нисбатан умуман **8 процент кўпайди,** қишлоқ жойларида савдо қилаётган матлубот кооперациясининг чакана товар обороти эса, 10 процент кўпайди. Бироқ, давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг йиллик планини 98,3 процент бажарди.

Матлубот кооперациясининг комиссион савдо шохобчалари орқали 8,7 миллиард сўмлик, ёки 1958 йилдагига қараганда 3,6 процент кўп озиқ-овқат моллари сотилди.

Давлат ва кооператив савдоси орқали айрим молларнинг сотилиши қуйидаги равишда ўзгарди.

	1959 йилда сотилган моллар-нинг 1958 йилдагига нисбатан проценти
Гўшт, колбасалар ва бошқа гўшт маҳсулотлари	120
Балиқ, селёдка ва бошқа балиқ маҳсулотлари	102
Мол ёғи	105
Ўсимлик мойи	107
Сут ва сут маҳсулотлари	118
Пишлоқ	107
Тухум	109
Қанд-шакар	110
Кондитер буюмлари	106
Чой	108
Сабзавот	108
Мева	110
Ип газлама	107
Жун газлама	103
Шойи газлама	97
Зигирпоя толасидан тўқилган газламалар	103
Устки ва ички кийим	110
Трикотаж буюмлар	113
Пайпоқлар	108
Чарм пойафзал	110
Мебель	128
Совун	101
Тикув машиналари	109
Рўзғор холодильниклари	123
Кир ювиш машиналари	135
Пилесослар	155
Соатлар	118
Велосипедлар	112
Мотоцикл ва мотороллерлар	119
Радиоприёмниклар	114
Телевизорлар	121

1959 йил 1 июлдан бошлаб соатлар, велосипедлар, радиолалар ва халқ истеъмол қиладиган бошқа баъзи молларнинг давлат чакана нархлари туширилди; ўтган йилнинг II ярим йилида 1958 йилнинг шу давридагига нисбатан соатлар 43 процент, велосипедлар 37 процент, радиоприёмниклар 24 процент кўп сотилди.

Ўтган йил 1 октябрдан бошлаб шаҳарларда товарларни аҳолига ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ташкил қилинди. Насияга сотилган молларнинг умумий қиммати 1959 йилнинг тўртинчи кварталида 1,4 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ишлаб чиқариш учун керакли молларнинг аҳолига ва колхозларга сотиш қуйидаги миқдорда кўпайди: цемент — 14 процент, шифер — 10 процент, тунука — 16 процент, дераза ойнаси — 6 процент кўп сотилди. Қурилишбоп ёғоч сотиш — 17 процент, тахта сотиш — 6 процент, стандарт уйлар сотиш — 35 процент ва стандарт уйлар деталларининг комплектларини сотиш — 31 процент кўпайди.

Товар обороти ўсганлигига қарамай, халқ истеъмол қиладиган баъзи молларга аҳолинги талаби ҳали ҳам тўла равишда қондирилмаётир, жумладан, ип газламаларга, мебель, бинокорлик материаллари ва рўзғор холодильникларига бўлган талаб тўла қондирилмаётир. Айни вақтда саноат ва савдо ташкилотлари аҳолининг ўсиб бораётган талабини ҳамда молларнинг хили ва сифатига талабчанлиги ошаётганлигини етарли равишда ҳисобга олмаётирлар, бунинг натижасида савдо ташкилотларида анча кўп миқдорда товар запаслари йиғилиб қолмоқда.

Катта шаҳарлардаги колхоз бозорларида нархлар 1958 йилдагига нисбатан 6 процент пасайди, айни вақтда, картошка, ўсимлик мойи, галла маҳсулотлари, мева ва сабзавотларнинг нархлари айниқса кўп даражада пасайди.

Товар оборотининг ўсиши ва аҳолининг омонат кассаларига қўйган пуллари кўпайганлиги мамлакатда пул муомаласини янада мустаҳкамлашни таъминлади.

Ўтган йил социалистик маданият соҳасида янги муваффақиятлар қўлга киритилди.

«СССРда мактабни турмуш билан боғлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, умумий таълим мактабини, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш авж олиб кетганлиги мамлакатнинг маданий ҳаётидаги жуда муҳим воқеа бўлди.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1959 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

(БОШИ БИР, ИККИ ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРДА)

СССРда ўқув муассасаларининг ҳамма турларида ўқиётган кишиларнинг сони 50 миллион кишидан ошиб кетди. Умумий таълим мактабларида, шу жумладан, ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ва катталар мактабида ўқиётганларнинг сони бу йилги ўқув йилида 33 миллиондан кўпроқ кишини ташкил қилди ва ўтган ўқув йилидагига нисбатан 1 миллион 850 минг киши миқдорида кўпайди. 1 миллион 400 мингга яқин киши ўрта мактабларни тамомлаб, етуклик аттестати олди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида (шу жумладан, сиртқи ўқув юртларида) ўқиётган кишиларнинг сони 4 миллион 150 минг кишидан ошиб кетди. 1959 йилнинг кузида олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилинган студентлардан 112 мингдан кўпроқ киши, ёки 49 процента ўрта мактабни тамомлаб чиққанидан кейин камида икки йил ишлаб, амалий иш стажига эга бўлган кишилардир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 2 миллионга яқин киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитилмоқда.

Ўтган йил олий ўқув юртларини 330 минг кишидан кўпроқ ва ўрта махсус ўқув юртларини 530 мингга яқин ёш мутахассис тамомлаб чиқди. Бир йил ичида ҳаммаси бўлиб 860 мингдан кўпроқ ёш мутахассис, шу жумладан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари учун 106 минг инженер ва 260 минг техник, қишлоқ хўжалиги учун 125 минг мутахассис, 200 мингга яқин педагог ва 100 мингдан кўпроқ медицина ходимлари тайёрлаб чиқарилди.

Мамлакатдаги илмий ходимларнинг сони 1958 йилдагига нисбатан кўпайди ва 310 минг кишини ташкил қилди, шулардан 104 минг кишидан кўпроғи фан докторлари ва кандидатларидир. Техника, физика-математика ва кимё фанлари соҳасидаги илмий ходимларнинг сони 14 процент кўпайди.

Кино янада ривожлантирилди. Ўтган йил мамлакат киностудиялари 145 та тўла метражли янги фильмлар, шу жумладан, 117 та бадиий фильм, 28 та хроникал-ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар, шунингдек 750 та қисқа метражли фильмлар ишлаб чиқарди (бу ҳисобга киножурналлар кирмайди).

Киноустановкаларнинг сони йил охирига келиб қарийб 89 мингга етди ва 1958 йилдагига нисбатан 11 мингта кўпайди. Ҳамма киноустановкалардан қарийб 80 процентини қишлоқ жойларидаги киноустановкалар ташкил қилади. Киносеансларни келиб кўрувчиларнинг сони 3,5 миллиарддан кўпроқни ташкил қилди ва ўтган йилдагига нисбатан 140 миллион чамаси кўпайди.

Ўтган йил нашр этилган китобларнинг тиражи 1,2 миллиард нусхани ташкил этди; газеталар, журналлар ва бошқа вақтли нашрларнинг тиражи кўпайди.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш ва ривожлантириш давом эттирилди. Касалхоналар, туғруқхоналар, диспансерлар, хотинлар ва болалар консультациялари, санитария-профилактика муассасалари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг шохобчалари кенгайтирилди. Болалар яслилари ва болалар боқчалари янада кўпайтирилди ва кенгайтирилди. Касалхоналардаги койкаларнинг сони 1958 йилдагига нисбатан қарийб 90 мингта кўпайди, болалар яслилари ва болалар боқчаларидаги болаларнинг сони қарийб 380 минг киши миқдорида кўпайди, санаторийлар ва дам олиш уйларидаги койкаларнинг сони 15 мингдан зиёдроқ миқдорда кўпайди. Врачларнинг сони 19 минг киши миқдорида кўпайди.

Ўтган йил ёзда 7 миллионга яқин болалар ва ўсмирлар пионер лагерларида, болалар санаторийларида, экскурсия-туристлик базаларида дам олдилар, ёки болалар боқчалари, болалар яслилари ва болалар уйлари билан бирга боғлиқ жойларга ёз мавсумида чиқиб кетдилар.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошаётганлиги, аҳоли соғлиғини сақлаш ва медицина хизмати яхшиланаётганлиги мамлакат аҳолисининг ўсишига яхши таъсир қилмоқда. **СССР аҳолиси бир йил ичида 3 миллион 660 минг киши миқдорида кўпайди ва 1960 йилнинг бошига келиб икки юз ўн икки миллион кишидан ошиб кетди.**

Ўтган йил ичида уй-жой қурилишини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилди. Уй-жой етишмаслигини тугатиш ва шу тариқа уй-жой проблемасини яқин 10—12 йил ичида ҳал қилиш соҳасида Партия ва Ҳукуматнинг қўйган вазифаси муваффақиятли бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида» 1957 йил 31 июлдаги қарорида 1959 йилда давлат маблағлари билан қурилаётган уй-жойлардан, шунингдек аҳолининг маблағи билан ва давлатдан берилган кредитлар ёрдами билан қурилаётган уй-жойлардан шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда, РТСларда, совхозларда ва ўрмон хўжаликларида умумий сатҳи 80 миллион квадрат метрлик уй-жойни фойдаланиш учун топшириш керак, деб белгиланган эди. Бу топшириқ бажарилди. 1959 йилда умумий сатҳи 80 миллион квадрат метрдан кўпроқ бўлган уй-жой, ёки 2.200 мингдан кўпроқ шинам квартиралар фойдаланиш учун топширилди (колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари қураётган уйлар бу ҳисобга кирмайди). Бундан ташқари, колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари ўтган йил 850 мингга яқин уй қуриб олдилар.

СССР да умуман уй-жой қуриш плани ошиғи билан бажарилган бўлса ҳам, баъзи маҳаллий Советлар ва халқ хўжалиги кенгашлари 1959 йилда уй-жой қуриш планини тўла бажармадилар.

Маориф, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш муассасалари қуришга сарфланаётган капитал маблағлар кўпайди. **1958 йилдагига нисбатан мактаблар 24 процент, болалар боқчалари ва болалар яслилари 11 процент кўп қурилди.** Кўп миқдорда интернат мактаблар, касалхоналар ва поликлиникалар, санаторийлар, дам олиш уйлари, кинотеатрлар, клублар ва маданият уйлари қуриб битказилди. Бироқ, бу муассасаларни ишга туширишнинг плани бирмунча кам бажарилди.

Ўтган йил коммунал қурилиш анча кўп миқдорда амалга оширилди. Шаҳарларни, посёлкаларни ва қишлоқ район марказларини обод қилиш, янги коммунал иншоотлар ва корхоналар — водопроводлар, канализация, ҳаммомлар, кирхоналар қуриш ва борларини кенгайтириш, трамвай, троллейбус ва автобус йўлларини кўпайтириш, уйларни теплофикация ва газификация қилиш ишлари давом эттирилди.

Совет Иттифоқининг чет мамлакатлар билан савдоси кенгайишда давом қилди. **Ташқи савдо обороти 1958 йилдаги 34,6 миллиард сўм ўрнига 41 миллиард сўмдан ошиб кетди ва тақосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда 20 процентдан зиёдроқ кўпайди.**

* * *

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1959 йилдаги бажарилиш якунлари СССРнинг социалистик экономикаси тўхтовсиз ўсаётганлигидан ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик плани биринчи йилининг топшириқлари муваффақиятли бажарилганлигидан далолат беради.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШЛАР САВИЯСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ КЕРАК

Кеча Навоий номидаги театрда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция делегатлари баланд руҳ билан конференциянинг фахрий президиумига ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини сайладилар.

Шаҳар партия комитетининг иши тўғрисида шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ф. Х. Хўжаев** ҳисобот доклади қилди.

Шунингдек конференция ревизия комиссиясининг раиси **Г. Э. Колесниковнинг** ҳам ҳисобот докладини тинглади.

Доклад ва музокараларда шу нарса қайд қилиб ўтилдики, шаҳар партия ташкилоти партиянинг XX ва XXI съездлари ҳамда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, шаҳар меҳнаткашларини хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни, шунингдек етти йиллик планда қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этган.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг, транспорт ҳамда қурилишларнинг коллективлари етти йилликнинг дастлабки йилида меҳнатда янги муваффақиятларга эришдилар. Пойтахт саноати 1959 йил планларини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари юз миллионларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Техникани янада тараққий эттириш йўлида кўпгина ишлар қилинди. Ўнларча конвейер ҳамда поток линиялари ишга солинди. Мингдан ошиқ технология ускуналари ўрнатилди. Шу муносабат билан партия ташкилотлари кўрсатган катта ижодий ташаббуслар ҳамда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш юзасидан йирик тадбирларни амалга оширган «Таштекстильмаш» заводи коллективининг фаолияти таъкидлаб ўтилди.

Докладчи саноат ва транспортни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларга баҳо бериш билан бирга, корхоналарга раҳбарлик савияси ўсиб бораётган талабга тўла жавоб бермаётганлиги, кўпгина резервлардан тўла фойдаланилмаётгани ҳақида гапиради. Ўтган йили 19 корхона давлат планини бажармади, 59 миллион сўмлик кам маҳсулот берди. «Ташсельмаш», керамика буюмлари, хладокомбинат ва бошқалар шулар жумласидандир. Бир қанча заводлар планларини бажарган бўлсалар-да, аммо улар номенклатура бўйича маҳсулотлар чиқариш топшириғини уддалай олмадилар. Ўтган йили бир неча юз тонна пўлат. 864 шахта териш машинаси, 180та бошқа хил машина, 8 минг метрдан ошиқроқ электр шнури, 8 миллион донадан зиёдроқ гишт кам берилди.

Ўнлаб завод ва фабрика маҳсулотнинг таннархини қимматлаштириб юборди. Бу, материал, хомашё, ёқилғи, энергияни ортиқча сарфлашнинг, меҳнат унумдорлиги даражаси пастлигининг оқибатидир.

Тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ **Абдуллаев** корхона янги техника билан бўш қуролланти-рилаётганлиги, ёрдамчи материаллар билан тартибсиз таъминланаётганлиги, бу нарса кўпгина халқ хўжалиги кенгаши ва республика госпланининг айби билан юз бераётгани ҳақида гапирди.

«Ташсельмаш» заводининг директори ўртоқ **Белов** корхона коллективи 1960 йилда 2650 та пахта териш машинаси чиқариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни бажариш юзасидан қандай ишлаётгани ҳақида гапирди.

Ҳозир январь ойида машина чиқариш графигини бажаришга қаттиқ риоя қилинмоқда. Ўртоқ Белов ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, уни янги техника билан таъминлаш ишида катта ёрдам зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Шаҳар партия комитети коммунистик меҳнат бригадалари ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини кам ўргангани ва қониқарсиз тарқатгани ҳақида конференцияда жиддий гап бўлди. Тўқимачилик комбинатининг биринчи тўқув фабрикаси тўқувчилари Л. Светашова, Б. Сухорукова ва мастер ёрдамчиси Н. Бочаровлар Валентина Гагановадан ўрнак олиб ва комбинатда биринчи бўлиб илғор коллективдан энг қолоқ коллективга ўтиб, уни илғорлар қаторига ўтказганлари ҳаммага маълум. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уларнинг ташаббусини маъқуллади. Бироқ шаҳар партия комитети бу қимматли ташаббусни пропаганда қилиш соҳасида кўзга кўринарли иш қилгани йўқ.

Конференцияда капитал қурилиш масалаларига зўр эътибор берилди. Кейинги вақтларда кўпгина қурилиш ташкилотларининг ишлари бирмунча яхшиланди, қурилиш базалари мустаҳкамланди. Шунга қарамай, қурилишда ҳозиргача кескин бурилиш бўлгани йўқ ва халқ хўжалигининг бу муҳим участкаси ҳамон орқада қолмоқда.

Капитал қурилишнинг бундай қониқарсиз аҳволдалиги, деб қайд қилинди конференцияда, дастлаб шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети хўжаликнинг бу соҳасига етарли эътибор бермаганлигининг, қурилиш ташкилотлари раҳбарларига талабчанликнинг бўшлиги натижасидир. Кўпгина қурилишлардаги ишчилар ўртасидаги оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

«Средазтранстрой» трестига қарашли 8-қурилиш участкасининг бошлиғи ўртоқ **Черницов** қурилиш майдонларида меҳнатни ташкил қилиш тажрибалари ҳақида гапирди. Бу участка коллективи йиллик планни 15 декабрга бажариш мажбуриятини олган.

Конференция Калинин районидаги колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш-ни тобора кўпайтириш учун резервлардан кўпроқ фойдаланиш масаласига жиддий эътибор берди. Калинин район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мажидов** ўз сўзида кўрсатиб ўтдики, колхозчилар, совхоз ишчилари ва мутахассислар 1960 йилда картошка, сабзавот, мева, полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш, давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт сотиш мажбуриятини олиб ишлаётганликлари ҳақида гапирди.

Конференцияда идеология ишларини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини тубдан яхшилаш масалалари ҳақида жиддий гап бўлди. Делегатлар бу ишда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари ҳақида»ги қарори барча партия ташкилотларининг фаолияти учун жанговар программа эканлигини айтиб ўтдилар. Шаҳар партия ташкилотларининг партия маорифи, лекция пропагандаси ва умуман идеология ишлари соҳасидаги фаолияти ана шу қарор асосида таҳлил қилинди. Кейинги вақтда идеология ишлари савияси бир қадар кўтарилган бўлсада, лекин Марказий Комитет қарорида кўрсатилган жиддий камчиликлар шаҳар партия ташкилотлари фаолиятида ҳали кўп учраб туради. Айниқса пропаганда ишида қаётдан ажралиб қолишдек фактларга узулкесил хотима берилгани йўқ. Пропагандистлик фаолиятида конкретлик, маълум мақсадга интилишлик, оммавийлик етишмайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг старший илмий ходими ўртоқ **Лунин** ўз нутқини пропагандист кадрлар билан ишлашдаги камчиликларни тезроқ тугатиш масаласига бағишлади. Шаҳар партия комитети пропагандистлар фаолиятига доир ишларни муҳокама қилиш учун мунтазам равишда семинар, кенгашлар ўтказиб турмайди. Республика ва область газеталарида эса пропагандист ва лекторлар томонидан ўқилган энг яхши лекциялар босиб чиқарилмайди. Пропагандистлар ҳақида ўқимишли мақолалар, очерклар камдан-кам учрайди.

Нотиқ конференция диққатини сиёсий агитацияни корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларда ҳал қилинаётган кундалик вазифалар билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш зарурлиги масаласига жалб қилди. Бир қанча партия ташкилотларида агитаторларни танлаш ва тарбиялаш масаласига етарли эътибор берилмаётир, — деди.

Ўрта Осиё политехника институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Медведев** ўз сўзида асосан студент ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришда профессор ва ўқитувчилар состави актив қатнашиб, зўр ёрдам бериши масаласига тўхталди.

— Шаҳар партия комитети, — деди ўртоқ Медведев, — олий ўқув юртлари партия ташкилотлари иши билан унчалик қизиқмайди.

Делегатлар олий ва ўрта мактаблар ишини қайта қуриш ҳақидаги қонун бир қанча ўқув юртларида жуда секинлик билан амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Музокараларда кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларига доир бир қанча муҳим масалалар ўртага ташланди. Сўнгги вақтларда раҳбар ходимлар состави бирмунча яхшиланди, ҳозир уларнинг кўпчилиги олий ва ўрта маълумотли, турли хўжалик ва маданий соҳадаги мутахассислардир.

Бироқ шаҳар партия комитети кадрларни танлашда хатоларга йўл қўйди. Шунинг натижасида баъзи ҳолларда кишиларни раҳбарлик лавозимларига пухта ўйламасдан, шошқалоқлик билан кўтариш ҳодисалари ҳам юз берди.

Октябрь район партия комитетининг секретари ўртоқ **Нишонов** кадрларни ўзига топширилган иш учун масъулиятни ҳис этиш руҳида, халқ олдидаги ўз бурчини софдиллик билан ҳалол бажарадиган қилиб, камтарлик ва ростгўйлик руҳида тарбиялаш ҳақида гапирди.

Конференцияда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, ободончилик, шаҳар хўжалигини ривожлантириш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам катта эътибор берилди.

Делегатлар СССР Қуролли Кучларини яна кўп миқдорда қисқартириш тўғрисида СССР Олий Совети тўртинчи сессияси томонидан қабул қилинган Қонунни қизғин маъқуллаш билан бирга, армиядан бўшаб келаётган кишиларни муносиб даражада кутиб олиш ва уларни ишга жойлаштириш масалалари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг секретари **Содиқов**, «Трансмаш» заводининг қуювчиси **Усмонов**, Ленин номидаги колхоз сут соғувчиси **Аҳмедова**, тўқимачилик комбинатидаги коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи **Пидинова**, Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг секретари **Ҳ. Ғулом**, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **Маърупов**, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг секретари **Барков** ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **М. А. Абдураззоқов** сўзга чиқди.

Конференция қабул қилган резолюцияда шаҳар партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини янада кучайтириш, 1960 йил учун олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш тадбирларини белгилади.

Конференция шаҳар партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Конференция баланд руҳ билан КПСС ленинчи Марказий Комитетига табрик хати қабул қилди.

Конференция ишида О. А. Алимов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, М. В. Муҳаммаджоновлар қатнашди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети янги сайланган составининг пленуми бўлди. **Қ. Муртазоев** Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг биринчи секретари, **П. В. Каймаков** — иккинчи секретари **И. Р. Арнаутов** — шаҳарком секретари қилиб сайланди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси сайланди ва шаҳаркомнинг бўлим мудирлари тасдиқланди.

Ҳиндистон халқи ҳурматли Совет меҳмонларини табрикламоқда

ДЕҲЛИ, 20 январь (ТАСС). Ҳиндистон республикаси президенти Раждендра Прасад ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Олий Совети депутати Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари яхши ният визити билан бугун Деҳлига келдилар.

Аэродромда ҳурматли совет меҳмонларини Ҳиндистон президенти Р. Прасад, бош министр Ж. Неру, Марказий ҳукумат министрлари, парламент депутатлари, Деҳлидаги совет муассасалари ва ташкилотларининг элчи И. А. Бенедиктов бошчилигида бутун шахсий состави, Ҳиндистондаги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Деҳлининг жуда кўп аҳолиси кутиб олдилар.

Аэродромда К. Е. Ворошилов ва Р. Прасад нутқ сўзладилар.

К. Е. Ворошилов совет халқи номидан буюк ҳинд халқига самимий салом топширди ва энг яхши истаклар билдирди.

Ўтган йиллар, деди К. Е. Ворошилов, мамлакатларимиз дўстлиги бузилмас эканлигини кўрсатди ва бу тушунарлидир. Бу дўстлик тўла тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ҳурмат қилишга, бир-бирининг ишига аралашмасликка, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистоннинг тинчликни мустаҳкамлашга ва тинч ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга, шармандали мустамлакачилик системаси қолдиқларини тугатишда умумий манфаатдорликка асосланган-дир.

Ҳамма давлатлар, деб таъкидлади К. Е. Ворошилов, тузумлари турлича бўлишига қарамай тинч яшашлари ва ўз халқларининг бахт-саодати йўлида муваффақиятли ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини мамлакатларимиз намунаси аққол кўрсатди. Совет Иттифоқи қаттиқ ишонадики, халқаро муносабатлардаги барча низоли масалаларни фақат тинчлик йўлидаги воситалар билан-гина ҳал қилиш мумкин ва лозим. Мамлакатларимиз уруш хавфини йўқотиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳаммаларнинг эътироф қилганидек, Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафари халқлар қалбига янги ишончлар бағишлади, халқаро иқлимнинг исишига ёрдам берди. Ҳозир Совет Иттифоқи тинчлик учун курашда олға томон яна бир ғоят муҳим қадам қўйди — ўз қуролли кучларини бир ўзи яна бир марта янгидан камайтирди. Бу — ҳукуматимизнинг ва бутун халқнинг уруш келиб чиқишига йўл қўймаслик учун бўлган ҳақиқий интилишининг яна бир яққол далилидир.

Биз ишонамизки, деди пировардида К. Е. Ворошилов, Ҳиндистонга қилган бизнинг визитимиз, Ҳиндистон давлат арбоблари билан қиладиган суҳбатларимиз, талантли ва меҳнатсевар халқ билан учрашувларимиз самарали бўлади ҳамда ҳамжиҳатликни ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада чуқурлаштириш ишига хизмат қилади.

Ҳиндистон президенти Р. Прасад жавоб нутқи сўзлаб, ҳурматли совет меҳмонларини самимий ва чин кўнгилдан табриклади. Р. Прасад К. Е. Ворошиловга мурожаат қилиб бундай деди: Сизнинг ҳозирги визитингизни бизнинг кўпдан бери орзу қилиб келган истагимизнинг буюк ва дўстона мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти бизнинг орамизда бир неча кун бўлиши тўғрисидаги истагимизнинг рўёбга чиқиши деб биламиз.

Сўнгги йилларда, деб таъкидлади Р. Прасад бизнинг икки мамлакатимиз бир-бирига яқинроқ бўлиб қолди. Бу иккала мамлакат раҳбарлари бир-бирларига визит билан бордилар. Ана шу ва бошқа ўзаро алоқалар туфайли биз бир-биримизнинг турмуш тарзини ва фикрларимизни биладиган ҳамда тушунадиган бўлиб қолдик. Мен аминманки, сизнинг ҳозирги визитингиз бизнинг икки мамлакатни янада кўпроқ яқинлаштиради.

Табрик нутқлари сўзлангандан кейин Р. Прасад, К. Е. Ворошилов, Ж. Неру, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари очиқ машиналарга тушиб, Деҳли томон йўл оладилар. Ҳурматли совет меҳмонларининг аэропортдан уларнинг резиденциясига — президент саройигача бўлган бутун йўл ҳинд ва совет байроқлари билан безатилган эди. Ҳиндистон пойтахтининг асосий магистраллари бўйлаб тўпланган ўн мингларча кишилар совет давлат арбобларини қизғин табрикладилар.

* * *

ДЕҲЛИ, 20 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон пойтахти улуғ совет халқининг вакиллари — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козловни ва СССР Олий Совети депутати Е. А. Фурцевани самимий кутиб олди.

Деҳлида чиқадиган газеталарнинг ҳаммаси бу воқеага асосий ўрин бериб. Совет давлат арбобларининг визити икки улуғ халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда Совет меҳмонлари Ҳиндистонда жуда қизғин кутиб олинади, деб таъкидламоқда. Газеталар К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцеваларнинг портретларини ҳам босиб чиқармоқдалар.

«Ҳиндустан таймс» газетаси «Қизғин кутиб олиш» деган редакцион мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Бундан беш йил муқаддам бўлиб ўтган ўзаро визитлардан кейин маданий ва иқтисодий ўзаро муносабатларнинг жуда яхши ривожланаётганлиги кўринди турибди. Бу муносабатлар мамлакатимизда Совет Иттифоқини ва унинг халқини ҳар қачонгидан кўпроқ билиш ва севиш учун имконият туғдирди.

Ҳиндистон жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда рус халқининг ғоят катта илмий ва техника ютуқларига қойил бўлиб, бу техника тараққиётининг саноат соҳасидаги фойдасини, масалан, Бхиланидаги катта металлургия заводида ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фойдасини Суратгархлаги механизациялашган фермада ҳамда бошқа кўп соҳаларда кўпроқ сезди.

Иккала мамлакатнинг маданий алоқа программаси ва олимлар, маориф ходимлари ҳамда эркин касб эгалари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши ҳамжиҳатликнинг ўсишига ёрдам берди. Бу ҳамжиҳатлик меҳмонларнинг самимий кутиб олинишида ўз ифодасини топади». Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик ҳозирдаёқ кўп соҳаларда самарали натижаларини берди, деб таъкидлайди газета.

«Ҳиндистон стандард» газетаси редакцион мақоласида бундай деб ёзади: «Совет давлатининг ўтган қирқ йил ичидаги тараққиёти айниқса унинг Осиё республикаларидаги тараққиёти мўъжиза бўлиб, унинг ошкора танқидчиларини ҳам дўстлардан кам бўлмаган даражада қойил қолдирмоқда. Совет Иттифоқининг бу соҳадаги тажрибаси ҳамма учун, уларнинг бу методларни маъқуллаши ёки маъқулламаслигидан қатъи назар, ибратли сабоқдир». «Президент Ворошиловнинг визити, — деб ёзади пировардида газета,— ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик кўламларини янада кўпроқ кенгайтиришига шак-шубҳа йўқ. Биз президент Ворошиловни ва унинг ҳамроҳларини чин қалбдан табриклаймиз ҳамда уларнинг Ҳиндистонда ўз вақтларини кўнгилли ўтказишларини тилаймиз»

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Н. С. БОЖКОНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари ўртоқ Николай Степанович **Божко** Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1960 йил, 21 январь
Тошкент шаҳри.

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ

БОКУ—САМАРҚАНД МУШОИРАСИ

САМАРҚАНД. («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Кеча Самарқанд аҳли Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти хафталигига нисбатан сўз ва соз усталарини қучоқ очиб кутиб олди.

Меҳмонлар Самарқандниг тарихий жойлари — Регистон, Шоҳизинда, Масчиди Жомий, Ғўрамир ҳамда Улуғбек расадхонасини бориб кўрдилар.

Кечқурун Ўзбекистон Давлат университети мажлислар залида шаҳар меҳнаткашларининг озарбайжон ва ўзбек ёзувчилари билан учрашуви бўлди. Кеча том маъноси билан Боку—Самарқанд мушоираси—шеърхонликка айланиб кетди. Кечада Сталин мукофоти лауреатлари Меҳти Ҳусайн, Мамад Раҳим, Сулаймон Рустам, Озарбайжоннинг йирик шоири Усмон Саривелли, истеъдодли шоир Қабул Имомвердиев ўз шеърларини, ўзбек шоирлари Уйғун, Шуҳрат, Султон Анбарий, Душан Файзи меҳмонларнинг ўзбекчага таржима қилинган шеърларини мароқланиб ўқиб бердилар. Кечада ёзувчи Назир Сафаров ва профессор Воҳид Абдуллаев ҳам жуда ажойиб гапларни айтдилар. Кеча охирида Озарбайжон санъат усталарининг концерти бўлди.

Редактор И. РАҲИМОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455. Саноат — 34524. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469. 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 02532. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. — № 18.